

Шўро даври ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Парда Турсундир. У 1909 йили Наманган вилояти Поп туманидаги Чоркесар маҳалласида дехкон оиласида тугилди. Ота-онадан эрта етим қолган Парда Турсун сарсон-саргардонликда ҳаёт кечиради.

Аёвсиз йиллар шамоли уни 1918 йилда Чоркесар қишлоғидан Тошкентга етаклайди. Қишилар эшигида хизматкор бўлиб қун кечиради. Ундаги илмга ташналик 1923-1927 йилларда тажриба кўрсаткич мактабига, 1927-1928 йилларда Карл Маркс номи педагогика билим юртига олиб келади. Сўнгра, токи 30-йиллар бошига қадар Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги мактабларда ўқитувчилик қилади. Унинг адабиётга қизиқиши ҳудди шу даврдан бошланган бўлиб, «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») рўзномаси муҳарририятига етаклайди. 1929-1934 йилларда мазкур рўзнома саҳифаларида ўзининг хабар, очерк, ҳикоялари чоп эттиради. 1930 йилга қелиб, унинг «Зўрлик» номи биринчи ҳикояси эълон қилинади.

1934-1935 йилларга қелиб, адибнинг «Остонада», «Қўлдош ва Маруся», «Бир хотиннинг тарихи» қаби бир неча ҳикоялари яратилади.

Парда Турсун ижодий фаолиятида унинг «Домла (1937) ҳикояси муҳим рол ўйнайди. Мазкур ҳикоянинг сюжет қизиги айтиш мумкинки, адибнинг бутун умри давомида яратган ўрта ва йирик асарлари саҳифаларига кўчди, қисса ва романларининг бош мавзусига айланди.

Парда Турсун бу йилларда замондошлари ҳаётидан олинган бир қатор ҳикоялар, ўнлаб очерклар яратди. Унинг «Дадажон раис» (1932), «Янги раислар» (1933), «Мажлисда» (1934), «Қувноқ ҳаёт» (1935), «Яйловда» (1935), «Тракторчи» (1935) қаби очерклари шулар жумласидандир. Адиб ҳикояларидагидек очеркларида ҳам ўзбек зиёлисининг босиб ўтган йўли, қураши ҳақида ҳикоя қилади.

1941-1945 йилларда адиб бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан она-Ватан ҳимоясида бўлади. Урушдан кейинги йилларда олий ўқув юртларида талаба, ўқитувчи, нашриётларда муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди. 1947 йили унинг биринчи йирик асари — «Ҳақ йўл» номи қиссаси чоп этилади. Ундаги бош қаҳрамон Ҳолмурод Дўстматовнинг ҳаёт йўли тимсолида адиб таржимаи ҳоли эмас, ўзбек зиёлисининг босиб ўтган машаққатли йўли гавдалантирилади. У кейинроқ «Ўқитувчининг йўли» номи билан ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. 1950 йилларга қелиб, мазкур қисса қайта ишланиб, «Ўқитувчи» номи билан мустақил бир асар — роман сифатида нашр этилади. Ундаги бош қаҳрамон Элмурод образи ҳатти-ҳаракати ва характери воситасида о'збек зиёлиси — ўқитувчисининг ҳаёти ва қураш йўли умумлашмасига кўтарилди.

Парда Турсун журналист, ўқитувчи, ношир ва публицист, очеркнавис ва ҳикоянавис, қиссанавис ва романнавис бўлиши билан бирга моҳир таржимон ҳам эди. У Салтиков-Шчедрин, А.Толстой, Эмил Золя, Ги де Мопассан асарларини ўзбек тилига ағдарган. Унинг асарлари қўплаб қардош ва хорижий тилларга таржима бўлган. У 1957 йилда вафот этган.